





эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Абу Ваққосдан ташқари бирор кишига «Ота-онам фидо бўлсин», деб айтмаганлар.

Бу зот Умар ибн Хаттобнинг халифалик даврларида форслар билан бўлган урушда аскарларга қўмондон бўлдилар. Ҳижратнинг 15-санасида Қодисияни, ҳижратнинг 16-йили Жалулони, ҳижратнинг 17-йили Куфани фатҳ этдилар.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу бу кишини Ироққа волий қилиб тайинладилар. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг халифалик даврларида ҳам шу амалда бўлдилар.

Қачонки ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу ўлдирилиб, фитна замони келганидан кейин бу ишларнинг ҳаммасидан четланиб, Мадинага қайтиб келдилар.

Саъд ибн Абу Ваққос Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан 270та ҳадис ривоят қилдилар. Бу ҳадисларни Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Хавла бинти Ҳакимлардан ривоят қилдилар. Бу зотдан Соиб ибн Язийд, Мужоҳид, Алқама ибн Қайс, Жобир ибн Самура, қизлари Оиша, Омирнинг болалари, Мусъаб ибн Умайр, Иброҳим ибн Абдурраҳмон ибн Авф, Қайс ибн Абу Ҳозим ва бошқалар ривоят қилганлар. Бу киши ривоят қилган ҳадисларни уч «Саҳиҳ» соҳиблари ўз китобларига киритганлар.

Бу зотнинг кўзлари ҳаётларининг охирида ожиз бўлиб қолди ва ҳижратнинг 55-санасида Мадинадан етти мил узоқликдаги Ақиқ деган жойда вафот этдилар.

Саъд ибн Абу Ваққос жаннатга киришларига башорат берилган, охириги вафот этган саҳобалардан эдилар.

Ушбу ривоятда қилинган дуонинг маъноси:

«Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор Зот йўқ. У ёл–ғиз Ўзидир. Унинг шериги йўқ ва албатта, Муҳаммад Унинг бандаси ва Расулидир, деб гувоҳлик берурман. Аллоҳни Робб, Муҳаммадни Расул ва Исломи дин, деб рози бўлдим».

Ким азонни эшитганидан кейин ушбу дуони ўқиса, гуноҳлари мағфират этилиши ваъда қилинмоқда.

Имом Муслим ва Абу Довудларнинг ривоятидан эса муаззин нима деса, шуни қайтариб туриш, фақат икки «Ҳайя ʼала» сўзларини айтганда «Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳи» дейиш ўргатилмоқда. Ким бу нарсаларни чин қалб–дан айтса, жаннатга кириши ваъда қилинмоқда.

Инсоф қилиб айтганда, бу жуда ҳам осон ишлар, савоб топиш, гуноҳни ювиш ва жаннатга кириш эҳтимолини ошириш учун ғанимат нарсалар. Лекин дангасалигимиз, бепарволигимиз оқи–батида кўп нарсаларга

эътибор бермаймиз. Уларга амал қилмаймиз. Кўпчилигимиз ҳатто бу нарсаларни лозим даражада билмаймиз ҳам. Аввал билмасак, энди билиб олдик. Энди билганимизга амал қилишга ўтайлик. («Ҳадис ва Ҳаёт» китобидан). Валлоҳу аълам!

<http://savollar.islom.uz/savol/115061>